



Nókis q. A.Dosnazarov k. 62 úy, 0 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 226-52-47  
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: [qoraqalpogiston\\_xtv@xtv.uz](mailto:qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz)

«01» Апрель 2021-ж.

03-03/01-1670 -санли'

## Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2020 йил 13 июлдаги №ҚҚ-105-IV-сонли қарори раҳбарликка олиниб, мамлакатимизда қизларнинг билим олиб, жамиятга керакли инсон бўлиб вояга етиши йўлида барча зарур шароитлар яратилмоқда. Айниқса, таълим муассасаларида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўғарақлари бўлғуси оналарни ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, уларнинг тиббий маданиятини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Юртимизда аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, эрта никоҳнинг олдини олиш, қизларни замонавий касб-хунарларга ўқитишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу каби вазифаларни амалга оширишга Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳам муносиб ҳисса кўшиб келмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия олаётган 352476 нафар ўқувчиларнинг 172594 нафари (49 фоиз) қиз болалардан иборат. Улардан 38138 нафари юқори синф (9-11-синф) ўқувчи қизлари.


Юқори синф ўқувчи қизларига ўқув йилининг ҳар чораги давомида салбий иллатларнинг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда таълим муассасаларида «Соғлом оила», «Соғлом турмуш», «Репродуктив саломатлик» каби мавзуларда давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Ўтказилган тадбирлар давомида мутахассислар томонидан қиз болани барвақт турмушга бериш ва эрта фарзанд кўриш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг зарурлиги борасида маслаҳатлар берилди.

Бундан ташқари ўқувчи қизларнинг ота-оналари орасида қизимни тезроқ турмушга берсам, хотиржам бўлардим, деган нотўғри қараш билан қайсидир маънода ўз ҳаловатини ўйлайдиган, фарзандининг ўқишни давом эттириши ёки эгаллаган касби бўйича ишлашига тўсқинлик қиладиган ота-оналарга маслаҳатлар бериш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларида, қишлоқ ва маҳаллаларда мутахассислар иштирокида аҳоли вакиллари билан мунтазам давра суҳбатлари ўтказилиб келинмоқда. Ушбу тадбирларда қиз болани барвақт турмушга бериш ва эрта фарзанд кўриш, қариндош-уруғлар

Ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг зарурлиги, ҳар бир оила мустаҳкам пойдеворга эга бўлишига эришиш, жамиятда ҳар бир гўдакнинг соғлом туғилиши ва яшаб кетишини тўлиқ кафолатлайдиган зарур шарт-шароитларни яратишга эътибор қаратиш кераклиги, Президентимиз таъкидлаганидек, оила ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, халқимизнинг муқаддас урф-одатлари сайқал топадиган, келажак авлод камолотиغا бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлиги, Президент қарори билан 2019 йил 1 сентябрдан эркаклар ва аёллар учун никоҳ ёши ўн саккиз ёш этиб белгиланганлигини таълим муассасалари раҳбарлари ва тегишли мутахассислар томонидан тушунтирилди ва бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

**Қорақалпоғистон Республикаси**  
**Халқ таълими вазири ўринбосари**



**Ш.Таджимуратов**